INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2010 йил 3 сентябрь, № 172 (5087) Жума

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг 19 йиллиги нишонланиши муносабати билан ЮНЕСКО ва шахсан ўз номимдан йўллаётган самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон ЮНЕСКО дастурларида фаол иштирок этаётгани, Ташкилотимиз вазифаларини изчил бажаришга, жумладан, маданият соҳасидаги мақсадларига эришишга мамлакатингиз улкан ҳисса қўшаётгани учун Сизга алоҳида миннатдорлик изҳор этаман.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлиги 1993 йилда бошланган. Мамлакатингиз ҳукумати ташаббуси билан Ташкилот Ижроия кенгаши ўзининг 154-сессияси якуний мажлисини Тошкентда ўтказган 1998 йилдан икки томонлама ҳамкорлик янги ривожланиш палласига кирди. Маълумки, ушбу тадбир доирасида Тинчлик маданияти бўйича муҳим резолюция — "Тошкент декларацияси" деб ном қозонган ҳужжат қабул қилинди. Шу билан бирга, мамлакатингиз томонидан маданиятлараро мулоқотни янада кенгайтириш ва Буюк Ипак йўли бўйидаги давлатларнинг янада яқин ҳамкорлигини ривожлантириш борасида илгари сурилган кўплаб ташаббуслар ҳам таҳсинга сазовордир. Буюк Ипак йўлини тиклашга қаратилган қатор тадбирлар ЮНЕСКО шафелигидаги иккинчи тоифали институт сифатида 1995 йилда Самарқанд шаҳрида асос солинган Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институтининг лойиҳалари билан амалга оширилганини қайд этиш менга том маънода улкан мамнуният бахш этади.

Ишончим комилки, Сизнинг доно раҳнамолигингиз ва оқилона раҳбарлигингиз билан Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг аъзоси, жумладан, ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг етакчи аъзоси сифатида Ташкилот олдидаги вазифаларни бажаришда фаоллик кўрсатаверади, мамлакатингиз билан ЮНЕСКО ўртасидаги аъло даражадаги муносабатлар бундан буён ҳам самарали ривожланиб бораверади. Сизни ишонтириб айтаманки, бу мақсадларга эришиш учун ўзимнинг бор куч-ғайратимни сафарбар этишга тайёрман.

Мамлакатингиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига яна бир бор ўзимнинг самимий табрикларимни изҳор этаман, Сиз, Жаноби Олийларига бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилишингизни сўрайман.

**Ирина БОКОВА,**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти Бош директори.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Латвия халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига чин дилдан энг эзгу табрикларни йўллаш менга катта шараф ва мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасида қарор топган дўстона муносабатлар йил сайин ривожланиб, равнақ топиб бораверади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқига фаровонлик ва равнақ тилаб билдирган истакларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

**Валдис ЗАТЛЕРС,**
**Латвия Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан йўллаётган самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, муштарак маданият ва анъаналар билан боғланган Қозоғистон ва Ўзбекистон икки мамлакат халқлари манфаатлари йўлида ўзаро фойдали ҳамкорликни мустаҳкамлаб ва ривожлантира бориб, доимо дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарига содиқ қолади.

Шубҳа йўқки, аввал эришилган келишувларни ҳаётга жорий этиш борасидаги ишларимиз яхши қўшничилик ва бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилишга асосланган Қозоғистон — Ўзбекистон муносабатларини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Самимий тилаклар ила,

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти.**

## ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

**Кеча мамлакатимиздаги барча мактабларда "Билимлар куни" катта тантана билан ўтказилди.**

*Ватанимизнинг тараққиёти йўлида, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсининг тобора юксалишида, ҳаётимизнинг барча йўналишларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилашда ёш авлод таълим-тарбияси муҳим ўрин тутади. Шу боис юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президентимиз ташаббуси билан соҳага изчил татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги таълим даргоҳларини барпо этиш, мавжудларини қайта реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, жиҳозлар, компьютер техникаси билан таъминлаш имконини берди.*

**2010 йил — Баркамол авлод йили**





**СУРАТЛАРДА:** *Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатидаги тадбирдан лавҳалар.*

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

Мактаб таълимини ривожлантиришда туб бурилиш ясаган юқоридаги Дастурда 5 та устувор йўналиш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида республикамиздаги жами 9772 та мактабнинг 8501 тасида, яъни 3 млн. 12 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактабларда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Ушбу мақсадга 1,4 трлн. сўм миқдорида маблағ сарфланди. Умуман, мустақиллик йилларида 1559 та мактаб биноси янгидан қурилди, 8213 таси таъмирланди.

Фахрлансак арзийдики, Умуммиллий дастурда мактаб биноларини янгилаш ва таъмирлашдан ташқари, уларни ўқув жиҳозлари, компьютер технологиялари, дарсликлар билан таъминлаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар назарда тутилган. Бу борада амалга оширилган саъй-ҳаракатлар салмоғини яққол тасаввур этиш учун мактабларимизнинг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминланишига доир қуйидаги рақамларни келтириш кифоя: мавжуд таълим муассасалари сонига нисбатан физика лаборатория хоналари сони 7149 тага, кимё лаборатория хоналари 6896 тага, биология хоналари 6896 тага, улардаги спорт заллари 4675 тага етди.

(Давоми 2-бетда).

**Қишлоқ мулкдорлари:**

## ЯРАТУВЧИЛИК САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

***Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва амалда ўзининг тўлиқ исботини топган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили мамлакат аграр сектори ривожланишида ҳам туб бурилишлар ясади.***

Бу жараёнда, айниқса, фермерлар фаолияти алоҳида ўрин тутади. Зотан, фермер хўжаликларини рағбатлантириш мақсадида ташкилий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилгани, уларни қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда маблағлар ажратилаётгани янги марралар сари илҳомлантирди. Натижада бугунга келиб, фермер хўжаликларида дон, сабзавот, пахта, гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштириш бир неча бараварга кўпайди. Мамлакатимизда дон мустақиллигига эришилиб, ҳатто уни экспорт қилиш имконияти ҳам пайдо бўлди.

Бугунги дастурхонимиз тўкинлиги, ноз-неъмат серёрлиги, эгнимиз бутлиги, эртанги кундан кўнглимизнинг тўқлиги, аввало, ушбу ислоҳотлар, қолаверса, фермерлар, деҳқону чорвадорлар, боғбону соҳибкорлар меҳнати самарасидир. Пировардида эндиликда фермер тегишли даромадни қўлга киритиб, ўзини эркин ва мустақил мулкдор сифатида ҳис қилаётир.

Айни пайтда республикамизда фермер хўжаликларининг умумий сони қарийб 81 мингтани ташкил қилмоқда. Уларда иш билан банд бўлган 1,5 миллион киши 5 миллион гектарга яқин ерда деҳқончилик қилаяпти. Бошқача айтганда, ҳар бир фермерга ўртача 65 гектардан ер майдони тўғри келаётир. Фермер хўжаликларининг қарийб тенг ярми пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослаштирилган бўлса, 22 мингтаси боғдорчилик ва узумчиликда, 4 минг 360 таси сабзавотчилик ва полизчиликда, 6 мингтаси чорвачиликда, 6 мингдан ортиғи эса қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида меҳнат қилиб, иқтисодиётимиз ривожига муносиб улуш қўшмоқда.

Фермерларнинг ҳақиқий қишлоқ мулкдори сифатида шаклланишида, шунингдек, жойларда хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва касбий билимларини ошириш бўйича жорий этилаётган ислоҳотлар ҳам муҳим аҳамият касб этаяпти. Бу борада давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг ташаббуси билан фуқаролик жамияти институтларига кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликларнинг ўрни беқиёсдир.

Юртбошимизнинг "Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номли маърузасидан келиб чиқиб, ўз дастурларини белгилаб олган Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси ҳам мамлакатимиз фермерларининг энг яқин маслаҳатчиси ва кўмакчиси сифатида фаолият олиб борар экан, уларнинг касбий, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, қишлоққа кичик технологиялар ҳамда замонавий техникалар кириб келишида имкон қадар кўмаклашмоқда. 2009 йилда уюшманинг фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи марказлари томонидан 510,3 миллион сўмлик консалтинг, 11,8 миллион сўмлик юридик хизматлар кўрсатгани бунга мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

## ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ МАҲСУЛОТ

***Энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимизда энергия тежайдиган люминисцент лампалар ишлаб чиқарадиган корхона фойдаланишга топширилди.***



Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда инновацион ва маҳаллийлаштирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қулай муҳит яратилган. Бундан кўзланган мақсад кейинчалик мамлакатимиз корхоналари нафақат муайян маҳсулотга бўлган ички талабни қондириши, балки уларнинг хориж бозорларига ҳам фаол чиқишини таъминлашдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

### Бир рақам шарҳи

**Қурилиш материаллари янада кўпаяди**

***Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда том ёпиш материаллари, гипсокартон, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғма конструкциялар ишлаб чиқарувчи***

**116** **та корхона ишга туширилди.**

*Жойларда замонавий қурилиш ва пардозлаш материалларига бўлган эҳтиёжни янада тўлиқ қондириш мақсадида амалга оширилган ишлар туфайли соҳада ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.*

***Энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини кўтаринки руҳда, катта тантана билан нишонладик. Бундай қутлуғ кунларда дилимизда эзгу ниятлар, эртанги кунга ишонч ҳисси, янги-янги орзу-мақсадлар бўй чўзмоқда.***

## САДОҚАТ ВА ФИДОЙИЛИК — БУРЧИМИЗДИР

Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Зеро, Президентимизнинг байрам муносабати билан халқимизга йўллаган табрик сўзида айтилганидек, бугун ҳар биримиз бу гўзал ва бетакрор юрт — мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кечираётган қувонч ва ташвишлари — менинг қувонч ва ташвишларим, деган ҳиссиёт билан яшамоғимиз даркордир.

**Дил сўзи**

Истиқлолга эришганимиздан сўнг босиб ўтган йўлимизга назар солар эканмиз, мамлакатимизда нечоғли улкан янгиланишлар амалга оширилганлигини кўз олдимизга келтириб, ич-ичимиздан ғурурланишимиз табиий. Юртимизда инсон манфаатлари, унинг шани ва қадр-қимматини юксалтириш борасида қилинаётган эзгу ишларнинг мазмун-моҳиятини барчамиз яхши англаймиз. Чунки ёш авлод камоли, эл соғлиғи муҳофазаси, иқтисодиётимиз ривожи ва энг муҳими, тинч-осойишта, фаровон ҳаётимизни таъминлаш йўлидаги изчил ислоҳотлар самараси ўтаётган ҳар бир кунимиз мисолида намоён бўлмоқда.

Бу каби ҳаётий ташаббуслар туфайли бугун оилаларда файзу барака ҳукмрон. Файзиёб маҳаллаларимизда эса хайрли, ибратли, ҳавас қилса арзигулик юмушлар амалга оширилмоқда. Фахрлансак арзийдики, бизнинг "Чиғатой-Оқтепа" номли маҳалламиз ҳам кундан-кун чирой очиб, эзгулик нуридан яшнаб бораётган гўшалардан биридир. Бу ерда 2700 та оила истиқомат қилади. Ёш оилаларга эътибор, аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламига мурувват кўрсатиш, кексаларни эъзозлаш каби савоб амалларга бош қўшишни маҳалламиз одамлари инсонийликнинг энг олий намунаси, деб билишади. Айниқса, яқинда маҳалламиз ҳудудида ҳомийлар ташаббуси билан "Янги авлод" боғи бунёд этилганлиги ва яна нуронийлар учун тарихий "Чиғатой" тепалиги яқинида сўлим оромгоҳ қуриб, фойдаланишга топширилганлигини саховатга йўғрилган ташаббуслардан бири сифатида тилга олиш мумкин. Бундан ташқари, ёш тадбиркорларимиздан бири маҳалла ёшларини бирлаштириб, кичик трикотаж цехи ташкил этди. Элдор Ғафуров исмли спортчи йигит ташаббуси билан эса шахмат тўгараги очилди. Яқин келажакда болалар учун сузиш мажмуасини бунёд этиш ниятимиз ҳам бор. Хуллас, маҳалла аҳлининг хотиржам ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш учун нимаики зарур бўлса, барини муҳайё этишга сидқидилдан ҳаракат қилинмоқда. Билагимизда қувват, вужудимизда куч-ғайрат бор экан, бундан буён ҳам эл фаровонлиги, юрт равнақи ва ривожи йўлида садоқат билан, фидойилик билан меҳнат қилаверамиз.

**Хайрулла МЎМИНОВ,**
**«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби,**
**Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани,**
**«Чиғатой-Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси.**



Нақл қилишларича, лайлаклар тинчлик, осойишталикни эргаштириб юрармиш, табиат мувозанати дарз кетмаган ерга барака, омад келтирармиш. Улуғнорликлар ўз осмонларида лайлаклар парвози кўпайганини умумий майдони 298 гектарни ташкил қилган 6 та мовий кўлда балиқчилик хўжаликлари ташкил этилгани, Сирдарё бўйларида 300 гектардан иборат иҳота ҳудуди яратилгани шарофати, деб билмоқдалар.

# ҚАЛҚОН ЎЗИНГ...

Улуғнор туманида ўнлаб катта-кичик кўллар мавжуд. Мингбулоқ қишлоғи этакларида табиий кўллар сақланиб қолган. Ёввойи ўсимликлар билан қопланган мўъжаз оролчаларни ҳам шу ерда учратасиз. Қамишлар, қўғалар вазмин чайқалади. Мамлакатимизда энг ноёб ҳисобланган қушлар галаси хаёлингизни ўғирлайди. Кўллар осмонида чайка, альбатрос парвоз қилса, унинг қуйи қисмидаги сувда сазан, карас, маринка потир-потир қилиб ақлингизни шоширади. Ўсимликлар дунёси кўлдан макон топган жонзотлар учун емиш ҳисобланиш баробарида мустаҳкам ҳимоя қалқони ҳамдир. Бири-бирига чирмашиб кетган ўсимликлар бемаврид келгучи овчиларнинг тўр ташлашларига имкон бермайди. Милтиқ кўтарган сайёдларнинг эркин ҳаракат қилишлари, бехато нишон олишларига йўл қўймайди.

Қушлар чуғур-чуғури, чаҳ-чаҳи — қон босими юқори бўлганларнинг асабига малҳам. Юрак хасталигига чалинганлар айнан шу ерда дарддан фориғ бўлишади. Бўзтўрғай, шамак, ғуррак, қашқалдоқ, ёввойи ўрдаклар хира тортган кўзларга нур улашади. Уларнинг сафидаги узун, ингичка оёқларини бир-бир босиб, тумшуқларини балчиққа ботирганича емиш излаётган лайлаклар тамантноси чарчоғингизни ёзади, димоғингизни чоғ этади.

— 55 гектар атрофидаги майдонда ўрмонзор ташкил этдик, — дейди туман табиатни муҳофаза қилиш бўлимининг масъул ходими Ўктамжон Мўйдинов. — Терак, бақатерак, тол кўчатлари экдик. Улар ҳудудимиз экин майдонларини қум барханлари кўчкиларидан ҳимоя қилади. Намликни сақлайди. Қўқон томонлардан бостириб келадиган гармселга қалқон бўлади. Вақтлар келиб, қурилишлар учун қимматбаҳо хом ашё бўлиб хизмат ҳам қилади. Ёз жазирамасида ўзларини салқинга урувчи қушларга макон бўлади. Қушлар уларнинг сершох бутоқларига ин солиб, тухум қўяди ва шу ерда полапонларини учирма қилади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Жараён

# Боғбон яратган мўъжиза



**Қўшнимизнинг ажойиб хурмо дарахти бор. Унинг бошқаларидан фарқи шундаки, бир танадаги шохларнинг ярми юм-юмалоқ, ярми саккиз қиррали ҳосил туккан. "Бу — пайвандчи маҳоратининг маҳсули", дея изоҳ беради қўшним қизиқувчан кишиларга.**

**Дарҳақиқат, боғдорчиликда азалдан кенг қўлланиб келинган кўчатни пайвандлаш усули гўё мўъжизага ўхшайди. Уста боғбонлар ундан навларни яхшилаш, ҳосил етиштиришни тезлаштириш мақсадида фойдаланиб келишган. Бироқ бир навни бошқасига айлантириш, айтайлик, эртапишар ўрик танасида кечроқ мева берадиган шохларни ўстириш унчалик осон иш эмас. Қонун-қоидаси қатъий ўрнига қўйилмаса, "бегона" куртакнинг ўз жойини топиб олиши қийин. Бу юмушни эса уста пайвандчиларгина қойиллатиб бажара олишади. Тўрақўрғоннинг Сарой қишлоғида яшовчи Арслонбой Машрабов ана шундай омилкор боғбонлардан бири.**

Изланиш

— Пайванд учун мўлжалланган куртак синалган навдан кесиб олинади, — дейди Арслонбой ака. — Натижасини иккинчи йилдаёқ кўриш мумкин. Шунданми, асл боғ яратаман, деган одам пайванддан фойдаланади.

Ёши олтмишни қоралаган бу инсон қишлоқнинг юзлаб хонадонлари боғидаги сархил мева дарахтларининг "дояси". Ҳовлисида ўрик, шафтоли, олма ёки хурмонинг серҳосил навини кўпайтираман, деган киши борки, унинг кўмагига шошади. Тўққиз йил аввал фермер Асқарали Маматов қишлоқ этагида оқиб ўтган дарё соҳилида ярим гектар боғ яратишга аҳд қилди. Ер тахт бўлиши билан Арслонбой акани ёрдамга чақирди. Икковлон бамаслаҳат 300 та уячага турли мевали дарахт ниҳолларини ўтқазишди. Орадан уч-тўрт йил ўтиб кўчатлар ерга ўрнашиб олиши билан боғбон пайвандлашга киришди. Олма кўчатларига "Семиренко", қимизак, хурмога шоколадли, лимонли, шунингдек, тўрт, саккиз қиррали "Офарин" навларини улади. Бугун тонна-тонналаб ҳосил бераётган бу боғ чинакам хазинага айланган.

— Кўчатлар нави икки турда — искана ва куртак пайванд усулида янгиланади, — дейди А. Машрабов. — Ҳар иккисида ҳам синалган дарахтнинг баравж шохларидан кесиб олинган куртак янгисига ўтказилади. Бу ишнинг нозик жиҳати шундаки, пайванд қилинаётган шохча ва эски дарахт шохининг пўсти ҳамда озуқа оладиган қисми бири-бирига ўта мос қилиб жойлаштирилиши зарур. Акс ҳолда кўкариши қийин. Одатда, искана пайванд баҳорда, куртаклиси эса кузнинг бошланишида амалга оширилади. Шу кунларда кўпчилик ҳамқишлоқларимнинг олма, хурмо, гилос, шафтоли сингари мевали кўчатларига истиқболли навларни улаб бераяпман.

Қишлоқ ҳовлиларида Самарқандтут, шотут сингари ноёб мевалар ҳам кўплаб учрайди. Оддий тутни пайвандлаб ўстирилаётган бу шифобахш мевали дарахтларда ҳам уста пайвандчи моҳир қўлларининг изи бор. Унинг турфа гулларни пархама, манзарали дарахт кўчатларини пайванд усулида кўпайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари билан хонадонлар, кўчаларга янада файз кирмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тилсим

***Инсон ҳаётида қадимдан тошларнинг қиммати бўлакча. Улар турли зеб-зийнатлар кўринишида доимий ҳамроҳимизга айланган. Баъзилари эса қурилишнинг гултожи саналади. Масалан, Искандар Зулқарнайн қурдирган қалъаларни мармар, гранит тошлари билан безатган. Темурийлар ҳам Самарқанд ва Ҳиндистондаги ноёб архитектура қурилишларида бу тошлардан моҳирлик билан фойдаланишган.***

# Тошлар ҳикмати

Юртимизда ноёб тошларнинг кўплаб турлари учрайди. Биргина Қизилқум саҳросининг Бўқантов тизмаларида олтин, кумуш, вольфрам ва бошқа фойдали қазилма конлари кашф этилгани сўзимиз исботидир. Бу каби қимматбаҳо тошлар намуналари Учқудуқ туманининг "Кўкпатас" геология-қидирув экспедицияси жойлашган манзилда ташкил этилган мўъжазгина музейда жамланган. Тошлар музейида нафақат Бўқантов тизмаларидан топилган тошлар, балки Ҳамдўстлик давлатларидан келтирилган намуналар ва экспонатлар ҳам жой олган.

Музей бир неча бўлимдан иборат бўлиб, унинг дастлабки қисмида соф олтинли тошлар сақланаяпти. Улар оксидланган, кварцли, сульфидли, флорит намуналаридан иборат. Музейнинг иккинчи бўлими экспонатларида рангли тошларнинг қирқдан зиёд тури қўйилган. Феруза, тоғ биллури, аширит, топаз, қаҳрабо, агаш, молохит, лазурит, гранитли друзалар, оловли апал, сердолик ва ақиқ шулар жумласидан.

Учинчи бўлимда эса безакли тошлар экспонати жой олган. Саройларни безашда, ҳайкалтарошликда кенг фойдаланилган бундай ноёб тошларнинг намуналари тўрт юз хилдан ошади.

— Заминимиз бағридаги қазилма бойликлари мамлакатимиз фаровонлиги, эл маъмурлигига хизмат қилади, — дейди "Кўкпатас" геология-қидирув экспедицияси бош геологи Турсун Тўраев. — Музейда археологик қазишмалар ва экспедициялар жараёнида топилган 2,5-3 мингдан ортиқ намуналар мавжуд. Бундан ташқари, тош асридан сақланиб қолган акулаларнинг тишлари, денгиз чиғаноқлари, тошга айланган дарахтлар, қадим-қадим даврларда яшаган йиртқич ҳайвонларнинг метинга айланган тана аъзолари, аждодларимиз тошдан ясаган иш қуроллари жамланган.

Сирасини айтганда, Кўкпатас қўрғонидаги музей — тошлар тилсимидан, унга яширинган олам ҳикматларидан сўзлайди. Уларга боқиб, табиатнинг нақадар буюклигидан ҳайратингиз ошади. Шу тобда минг бир машаққат ила музей экспонатларини бойитиш, уларни асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган геологларга раҳмат айтгинг келади.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ОНАЖОНИМ — ТАБИАТ

# САЧРАТҚИ — ОФТОБ МАЛИКАСИ

***Она заминимиз узра ажиб бир гиёҳ ўсади, пояси човли ўтникидан ингичка, беданинг поясидан йўғонроқ. Баргларининг ранги тўқ, кўкимтир. Қоқиўтники мисол қиймали-қиймали. Эрта баҳорда кўкариб чиқади. Жавзога келиб гуллайди.***

Наботот

Гулининг тузилиши исмалоқникидай. Лекин сарғиш эмас, оч кўк ёки тўқ ҳаворангда. Гулининг паллалари узоқдан жавоҳир мисол ялтиллаб, ярқирагандай бўлиб кўзга ташланади. Бироқ ушлаб боқсангиз, ипак мато — шойи мисол бир майин, бир сўлим...

Бу ўтнинг номини сачратқи дейдилар. Эл ичида уни офтобнинг, жазирама ҳавонинг маликаси, деб ҳам эъзозлашади.

Бу эъзознинг боиси антиқа.

Сувсизлик шароитида жазирама ҳар қанақанги ўтгиёҳларнинг илдизини қуритиб, баргларини қовжиратиб ташлайди. Лекин сачратқи бундан мустасно. Сачратқи хут ё ҳамалнинг зиғирча намига тамшаниб, тошлоқ йўлнинг четидами, ариқларнинг чим босган, сувдан узоқ лабидами, бир кўкариб олса бўлди, ғуж барглари орасидан поя ташлаб ўсаверади. Кўкарган ери қанча тақир, қаттиқ бўлса, у шунчалик яйраб ўсади. Қанча иссиқлик, қанча сувсизлик бўлса, у шунча яшнаб ўсади. Қанча жазирама бўлса, гуллари шунчалик хандон отиб, қувнаб ўсади. Хандон гуллари қуёшнинг-да кўзларини қамаштириб, унинг оловли тафтлари билан ўйноқлашиб ўсади.

Фақат сув билан чиқишмайди. Соя тегдими гард қўнади, дард қўнади унинг баргларига. Соя асар қилган барглари сўлиб, поялари сарғимтирлашиб, қовжираб бошлайди. Офтоб, жазирамадан эмас унинг бағри-дили, соя-салқиндан куйгандай бўлади.

Энди сачратқининг шифобахшлигини айтинг.

Ҳайитгул бувим ҳовлимизнинг чет-четида ўсган сачратқи ўтлоқни асраб-авайларди. Сачратқини бизга офтоб уриш, иштаҳанинг йўқолиши, хафақонлик хасталикларининг дориси, деб таърифларди. Қўни-қўшниларга ўргатарди. Бувимнинг айтганини қилиб одамлар тонг азонда сачратқидан бир тутамини ўриб келиб, суви тўла челакка ташларди. Сувни куни бўйи офтоб тегмайдиган жойда сақларди. Ва кечқурун кун ташлаш палласи инжиқлашиб қолган боласининг бошидан ўша сувни қуйиб чўмилтирарди. Миясига саратоннинг офтоби теккан бола бир чўмилиши билан соғайиб кетарди.

Бу болалик таассуротлари.

Сачратқини офтоблама, саратон палласининг гули, дея таърифлашади доришунослар. Негаки, кальций моддаси табиий ҳолатда сачратқи ўтининг таркибида бисёр бўлади.

Яна бир гап. Сачратқи саҳий, ҳимояпеша ўсимлик. Ўзига яқин кўкарган ўтларни офтобу сувсизликдан сақлайди. Унинг соясига тушган ўтларнинг уруғини чумолилар ташиб кетмайди. Сачратқи ўсган тупроқ, билингки, тоза, донадор, ҳосилдор тупроқ бўлади.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Хонгули — юртимиз табиатининг кўрки.*

«Буюк кўчиш»

**Грецияда ғайритабиий воқеа содир бўлди. Бунинг натижасида хукумат асосий йўллардан бири — "Эгнатиа Хайвей"даги ҳаракатни вақтинчалик чеклаб қўйди.**

— Сабаби, тахминан 20 км. узунликдаги автомобиль йўли миллионлаб қурбақалар билан қопланиб қолди, — дейди йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати вакили Гиоргос Таноглоу.

Биологларнинг айтишича, ҳудуд яқинидаги кўлда яшаган қурбақалар бундай "буюк кўчиш"ни янги озуқа манбаларини излаб топиш мақсадида амалга оширган.

Тахминларга кўра, шунга ўхшаш ҳолат юнон ўлкасининг бошқа шаҳарларида ҳам кузатилиши мумкин.



**Хитойдаги Синкай ороли яқинида қушларнинг ўн бешта янги тури аниқланди. Уларнинг орасида ҳали фанга номаълум бўлган саъва ва қизил қуйруқлилар туркумига мансуб қанотли дўстларимиз бор, деб ёзади "Синьхуа" агентлиги.**

Ўқинг, қизиқ!

## Қушларнинг янги тури

1994 йилдан давлат назоратига олинган ушбу ҳудудда қушларнинг 242 турини учратиш мумкин. Боиси, бу ердаги мавжуд сув ҳавзалари ва ботқоқликлар қанотлилар учун жуда қулай муҳитни юзага келтирган. Шунинг учун ҳам ҳар йили тахминан 2,5 млн.га яқин қуш баҳорги ва қишки кўчиш даврида мазкур маконда қўним топади.

## Ноёб ҳайвон хавф остида

**Украиналик табиатшунослар мамлакат ҳудудида халқаро "Қизил китоб"га киритилган зубрлар сони йилдан-йилга камайиб кетаётганидан хавотирда.**

Маълумотларга кўра, айни пайтда, бу ўлкадаги туёқлилар сони 150 тага тушиб қолган. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг миқдори 1991 йилдагига нисбатан беш баробарга камайган.

XVII-XVIII асрларда ушбу ноёб ҳайвон шафқатсизларча овланган. Оқибатда, улар Европанинг деярли барча ҳудудида йўқолиб кетди. Ҳозиргача зубрлар саноқли жойларда, шу жумладан, Украина ва Польшада сақланиб қолган. Шунга қарамай, зубрларнинг ҳаёти барибир хавф остида қолмоқда.



Табиат — улуғ меъмор, моҳир мусаввир. Унинг ижодига мансуб турфа гўзалликлар бисёр. Сув томчисидан тортиб, азим тоғлар маҳобатигача, энг майда зарралардан ранг-баранг ҳайвонот ва набототнинг ажойиб оламига қадар барчасида ана шу табиий нафосатни ҳис қилиш мумкин.

Ҳаттоки ташқи қиёфаси кўркам бўлмаган айрим жониворлар ҳам қайсидир жиҳати билан эътиборни ўзига тортади. Келинг, улардан бири — геккон (калтакесак тури) мисолида фикримизни давом эттирсак.

# МОҲИР НАНОТЕХНОЛОГ

Унча катта бўлмаган ушбу судралиб юрувчининг бир қатор ўзига хос нодир хусусиятлари бор. Буни кўплаб биологлар ҳам таъкидлаганлар. Масалан, у ҳар қандай юзада эмин-эркин юра олади. Ҳаракат текислигининг горизонтал ёки вертикал ё диагонал эканлиги унга тўсиқ бўла олмайди. Жумладан, тикка устун ёки девордан ҳам калласини қуйига қаратган ҳолда шиддат билан эниш қобилиятига эга.

Шунинг учун ҳам геккон узоқ вақтдан бери олимларни қизиқтириб келади. Лекин ҳозиргача унинг ер тортиш кучини енгиб ўтиш маҳоратини ҳеч ким тўлиқ аниқлай олмаяпти. Тўғри, бу борада муайян тахминлар мавжуд. Улардан бири Аристотель яшаб ўтган даврларда пайдо бўлганди. Ўша даврдаги тахминга кўра, жонивор ҳаракат чоғида панжаларидан ажралиб чиқадиган махсус елимдан фойдаланади. Аммо орадан маълум вақт ўтгач, германиялик таниқли олим ва табиатшунос Брем калтакесак ёпишқоқ модда ишлаб чиқариш қобилиятига эга эмаслигини исботлади.

XXI аср бошига келиб бир гуруҳ олимлар томонидан бу борада амалга оширилган изланишлар ва математик ҳисоб-китоблар янги, эҳтимоли катта тахминга замин яратди. Маълум бўлишича, гекконнинг кичкина оёқлари молекулалараро узвий боғлиқлик асосида ишлайдиган универсал кучга эга экан.

Агар микроскоп ёрдамида кузатилса, ҳайвон панжалари учи 100 нанометр диаметрли туклар билан қопланганини кўриш мумкин. Қизиқарли томони, бу каби "қилча"ларнинг ҳар бири минглаб митти тармоқларга бўлиниб кетган. Ҳар бир тармоқ охири учбурчак шаклидаги ва эни 0,2 микрон (метрнинг миллиондан бир бўлаги)га тенг сўрғичларга уланган. Панжалардаги худди шундай сезувчи шохчалар сони 2 миллиардга яқин. Бу каби кўз илғамас тузилиш — нанотизим ҳар қандай юзада аниқ ва катта тезликда ҳаракатланиш имконини бериши, ҳақиқатан ҳам, ҳайратланарли. Уларни тадқиқ этиш эса янада қизиқарли эканлигини англаш қийин эмас.

Хўш, бундай тадқиқотлардан кўзланган мақсад нима, деган савол туғилиши мумкин. Аввало, она-табиат янада чуқур ўрганилади. Қолаверса, гекконга хос хусусиятлар фан-техникага татбиқ этилиши мумкин. Яъни табиат мўъжизалари турли инновацияларга пойдевор бўлади. Шунга асосланиб, яқинда океанортилик ва россиялик олимлар ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиққан махсус материал — полиамид тасма фикримизни тасдиқлайди. "Каптон" номини олган кашфиёт ёрдамида юкларни вертикал юзаларга жойлаштириш мумкин. Ҳозирча унинг кўрсаткичлари камтар, тўғрироғи, 100 г. оғирликдаги юкни ушлаб тура олади. Камчилиги ҳам бор. Бир-икки марта фойдаланилгандан кейин яроқсиз бўлиб қолади.

Ажабо!

— Бу билан тўхтаб қолиш ниятимиз йўқ, — дейди олимлардан бири Андре Тайм. — Яқин келажакда бу борадаги изланишларимизни янада такомиллаштирамиз. Бу эса турли, айниқса, юкларни сақлаш ва тўқимачилик соҳасига нанотехнологияларни кенг жалб этиш истиқболларини оширади.

Мухтасар қилиб айтганда, она-табиатнинг мўъжизакор сир-асрорлари шулар билан чекланмайди, улар битмас-туганмасдир.

**Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41738 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Болиев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.45 1 2 4 5